

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 8 декабрь, № 255 (8878)

Яқшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Навоий вилоятининг инвестиция ва саноати салоҳияти янада ривожлантирилади

Президент Шавкат Мирзиёев 7 декабрь куни Навоий вилоятида қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Навоий — ҳам ҳудуд, ҳам инфратузилма, ҳам саноат салоҳияти жиҳатидан катта вилоят. Сўнгги етти йилда 8 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 6 минг 500 та лойиҳа ишга туширилган. Бу йил 2 миллиард 200 миллион долларлик 577 та лойиҳа якунланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ўтган ойда вилоятга ташрифи чоғида икки-содидетни янада ривожлантириш, қўшимча имкониятларни излаб топ-иш бўйича топширилган берилган эди. Йиғилишда шў асосда тайёрланган тақрирлар кўриб чиқилди. Масалан, Карман туманидаги кимё технопаркига туташ янги ерда янги саноат қорхоналарини жойлаштириш мўлжалланмоқда. Инфра-тузилма ва хомашё борлиги боис у ерда келгуси йилнинг ўзида каолин, кварц, диоксид кремний, мато бўёғи лойиҳаларини бошлаш мумкин. Хитойлик инвесторлар Хатирчи туманида кварц ва гранит қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш ташаббусини билдирган. Конимех, Навбахор ва Учқудук туманларида жойлашган 11 та фойдаланиш қазилма майдони ҳам ўзлаштириш учун истиқболли. Айдарқўл атрофидаги 150 гектарда меҳмонхона ва дам олиш масканлари барпо этилса, 10 минг нафаргача сайёҳларга хизмат кўрсатадиган лойиҳалар амалга оширилади, 200 та иш ўрни яратилади.

Нуротанинг Сентоб, Хатирчининг Лангар ва Ангийдон қишлоқларида 200 та оилавий меҳмон уйи ташкил этилиши йилга 600 мингга яқин сайёҳларни жалб қилиш, 500 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш имконини беради. Ортимиздаги янги лойиҳаларнинг 43 фоизи Навоий вилоятида, лекин унинг 5 фоизидан фойдаланилган, холос. Шў боис 350 минг гектар янги ерда дрон билан икклимга мос озуқа экинлари, доривор ва зиравор уруғлар сепилади ҳамда аҳолига бўлиб берилади. Томди ҳамда Учқудук туманларида эчкичилик ва қўйчилик ривожлантирилади. Шунингдек, Томди ва Нурота туманларини курилиш материаллари, чорвачилик ҳамда туризмга, Хатирчининг тўйимачилик ва мева-سابзавотчиликка ихтисослаштириш учун барча шaroит бор. Хусусан, Хатирчида гени ўзгармаган ва органик маҳсулот сертификати берадиган замонавий лаборатория ташкил қилинмоқда. Мазкур туманда 500 гектар, Навбахорда 200 гектар адир ерларда интенсив боғ ва тоқорлар барпо қилинади. Далалар ва маҳаллаларда бозорбоп маҳсулотлар етиштириш рағбатлантирилади. Жумладан, Италиядан кунгабоқар уруғи олиб келиб, тасирдор экин сифатида 10 минг гектарга экиш тақлиф қилинмоқда. Натижада 5 минг аҳоли қўшимча да-

ромадга эга бўлади, ишлаб чиқариладиган кунгабоқар ёғи вилоят аҳолисининг йиллик талабини қоплайди. Пахтачиликда ҳам ҳудуд тупроғига мос, сувсизликка чидам-ли Хитойнинг гўза навларини экиш кенгайтирилади. Бу йилнинг ўтган даврида вилоятда 111 минг аҳоли ишга жойлаштирилган. 2025 йилда 140 минг аҳолининг бандлигини таъминлаш, 10 мингга оилани камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган. Йиғилишда Навоий вилояти хокими шў каби ресурсларни ишга солиш, 2025 йилда тармоқ қорхоналаридан ташқари 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, 320 миллион доллар экспортни таъминлаш бўйича режаларини тақдимот қилди. Лекин булар вилоят салоҳияти даражасида эмаслиги боис режаларнинг қайта кўриб чиқиш топширилди. Янги лойиҳаларни кўпроқ Конимех, Нурота, Хатирчи ва Томди туманларида жойлаштириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Ишсиз аҳолини замонавий касбларга ўқитиб, юртимизда ва чет элдаги юқори даромадли ишларга жойлаштириш вазифаси белгиланди. Иқтисодий имкониятлари кенг, шў билан бирга, аҳолиси нисбатан кўп бўлмаган Навоий вилоятини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мумкинлиги таъкидланди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига

Қадрли юрдошлар! Хурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа жонқурлар! Жонажон диёримизда дала ишлари, жорий мавсум якунига етиб бораётган ушбу кутлуғ айёмда сизларни ва кўп миллатли бутун халқимизни Қишлоқ хўжалиги ходимлари кун билан чин қалбимдан самимий муборақбод этаман. Фидокорона меҳнати билан тупроқдан ноз-неъмат ундириб, халқимиз дастурхонини тўқин қилиб келаётган сиздек миршкор деҳқон ва фермерлар, моҳир боғбон ва чорводорларга, омилкор агроном ва механизаторлар, кластерларнинг тажрибали раҳбарлари ва ходимлари, соҳанин хурматли фахрийларига ўзининг чурқур хўрамат-эхтироми ва эзгу тилакларини билдираман. Азиз дўстлар! Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиги қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шундай мураккаб шароитга қарама-сдсан, жорий йилда сизларнинг машаққатли меҳнатиңиз билан юртимизда 9 миллион тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта, 16 миллион тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп гўшт ва сут, 30 юрч тонна пилла етиштирилгани — чинакам қаҳрамонлик намунаси, десак, ҳар томонлама тўри бўлади. Бунинг учун сизларнинг шайнингизга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди. Албатта, бундай улкан ютуқларга эришишда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ривожига берилётган юксак эътибор, тармоқда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш муносабатлари замон талаблари асосида йўлга қўйилётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши тушунамиз. Айниқса, соҳага илғор агротехнологиялар, илм-фан ва инновация ютуқлари кенг жорий этилаётгани ижобий натижа бермоқда. Бу йил 100 минг гектар майдонда касалик ва зараркунданларга чидамли серхосил гўза навлари экилиб, улардан мўл ҳосил етиштирилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди. Галачиликда ресурс тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш натижасида ўртача ҳосилдорлик биринчи мар-

та 85 центнерга етказилди. Олти мингдан ортиқ тажрибали фермерларимиз бу борада 90 — 100 центнерлик маврани забт этганларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ресурсларни тежайдиган интенсив технологиялар асосида 50 минг гектар майдонда сабзавот етиштирилиб, ҳосилдорлик аънавий усулга нисбатан 200 — 250 центнерга ошгани, соф даромад гектаридан 6 — 8 минг долларни ташкил этгани ҳам муҳим ютуқларимиз қаторига қиради. Йил давомида қишлоқ хўжалиги субъектларига 18 триллион сўм имтиёзли кредит ва 176 миллиард сўм субсидия ажратилгани, умумий қиймати 3,6 триллион сўмлик 11 минг 600 дона юқори унумли замонавий техника ва агрегатлар етказиб берилгани ҳам мавсумни самарали якунлашда муҳим омил бўлди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, уларнинг салбий таъсирини ошматтиш мақсадида илк бор Миллий дастур қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш учун ҳоржий молия ташкилотларидан 160 миллион доллардан ортиқ маблағлар жалб этилмоқда. Бу йил қишлоқ жойларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 343 та янги лойиҳа ишга туширилгани диққатга сазовордир. Шунингдек, деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш учун 75 минг гектар ер майдонлари 180 минг нафардан ортиқ ижтимоий муҳтож аҳоли ҳамда ёшларга бўлиб берилгани ва 200 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани қишлоқда бандлиқни таъминлаш, реал даромадларни ошириш, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнамоқда. Томорқачиликда даромадини ошириш мақсадида 5145 та маҳалла “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослаштирилди. Чорва наслини яхшилаш ва маҳсулот ҳажминини кўпайтириш учун аҳолига 40 минг бош қорамол, 82 мингта қўй ва эчки етказиб берилди, четдан 260 минг бош зотдор моллар олиб келинди. Қадрли дўстлар! 2025 йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”, деб эълон қилганимиз албатта бежиз эмас. Бугун тақдирини ва истиқболни ер-суб ресурслари билан чамбарчас боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги учун бу қарорнинг

аҳамияти қанчалик катта эканини сиз, азизлар, айниқса, яхши тушунасиз. Ҳеч шубҳасиз, мазкур йил бўйича қабул қилинадиган давлат дастури соҳани барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида “яшил” технологияларни қўллаш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш бўйича янги имкониятлар очади. Аграр соҳани илм-фан асосида ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, унинг барча тармоқларидаги инновацион фаолиятни интеграциялаш мақсадида келгуси йили Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этамиз. Ўтган йиллардаги ижобий тажриба давом эттирилиб, яна 100 минг гектар ер деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш учун аҳолига бўлиб берилди. Пахтачиликда 40 фоиз майдонда Хитойда ўзини оқлаган илгор тажриба жорий этилди. Халқаро ҳамкорларимиз билан биргаликда қўллаб-қувватловчи лойиҳалар амалга оширилади. “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси такомиллаштирилиб, маҳсулот етиштирувчиларга “бир дарча” тамойили асосида комплекс хизмат кўрсатиш мақсади йўлга қўйилди. Қишлоқ ва тархаларини обод қилиш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишларимиз ҳам изчил давом эттирилади. Хурматли деҳқон ва фермерлар, соҳа ходимлари! Кўриб турганимиздек, олдимизда улкан вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда сизлар фаол иштирок этиб, ўз куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз билан қишлоқ хўжалиги ривожини янги bosқичга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман. Сиз, азизларни бугунги файзли байрам билан яна бир бор чин дилдан қўллаб, барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, олийжаноб фаолиятингизда улкан зафарлар тайлайман. Ҳалол меҳнатингиз, азму шижоатингиз учун яна бир бор катта раҳмат. Доимо соғомон бўлинг, умрингиздан барака топинг, қадрдонларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Малакали мутахассислар тайёрлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш — асосий мақсад

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 декабрь куни аҳолини талаб юқори касбларга ўқитиш ва даромадли иш билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Бу масала давлатимиз ижтимоий сиёсатида доим устувор. Иқтисодий глобаллашув жараёнида ўрта бўгин кадрларига бўлган талаб кун сайин ошиб борапти. Шў боис йиғилишда ўрта бўгин мутахассисларини тайёрлашда асосий масалалар таҳлил қилиниб, долзарб вазифалар белгиланди. Сўнгги беш йилда саноат қорхоналарига 24 миллиард долларлик ускуналар олиб келиниб, 63 мингта янги қувват ишга туширилган, 1 миллион 500 мингта доимий иш ўрни яратилган. Ҳозирда иқтисодиёт тармоқларида 200 мингдан ортиқ малакали мутахассисларга талаб бор. Келгуси уч йилда инвестиция дастурлари доирасида ишга тушадиган қорхоналарда яна 500 минг нафар ишчига талаб язага келади. Янги ускуналар ва технологияларда ишлаш учун малакали кадрлар сув ва хаводек зарур. Мамлакатимизда салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун техникумлар билан қорхоналарни боғлаб, дуал таълим тизimini ривожлантириш бўйича ижобий тажрибалар бор. Хусусан, Асака транспорт ва машинасозлик техникуми, Бухоро шахар энергетика, нефть ва газ саноати техникуми, Ширин энергетика техникуми, Фузор тумани ва Шаҳрисабз шаҳри 1-сон техникумларида маҳаллий ва хорижий қорхона-

лар билан ҳамкорликда замонавий мутахассислар тайёрланмоқда. Шў билан бирга, хусусий қорхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга манфаатли шароит қилиб бериш орқали дуал таълим қамровини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди. Германия билан ҳамкорликда 14 та техникумда талаб юқори касбларга ва немис тилига ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Ҳокимлар ва тармоқ раҳбарларига ҳар бир ҳудудда камидан 5 тадан техникумда ушбу тажрибани жорий қилиш топширилди. Замонавий касбларда хорижий тилларни билиш жуда муҳим. Шў боис мактаблар ва касб-хунарга ўқитиш марказларида бундай дарсларни кўпайтириш, техникумларга хориждан ўқитувчилар олиб келиш бўйича кўрсатмалар берилди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидаги 65 та касбий кўникма марказида ўқитиш сифатини ошириш, грантлар жалб этиб, замонавий касбларга мос ускуналар билан жиҳозлаш кераклиги айтилди. Вилоятлардаги 13 та курилиш касбига ўқитиш маркази дастурлари ҳам меҳнат бозоридagi талаб юқори касбларга мослаштирилади. Қабул тизими рақамлаштирилиб, йилга 20 минг фукоро касбга тайёрланади. Касбларни мустақил ёки шогирдликка ўқитиш ўрганганларга халқаро

тан олиннадиган сертификатлар бериш йўлга қўйилади. Бунинг учун ҳудудларда 5 та Касбий малакани баҳолаш маркази ташкил қилинади. Ташқи ишлар вазирлигига Буюк Британия, Германия, Канада, Словакия, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатларда ўқиш ва малака ошириш, замонавий қорхоналарда ишлаш истагида бўлган фуқароларга енгиллик бўлиши учун виза тартибини соддалаштириш бўйича зарур чоралар кўриш топширилди. Маълумки, ривожланган давлатларда талабалар учун “Work and Travel” каби қўллаб-қувватловчи дастурлар бор. Жумладан, ўзбекистонлик ёшлар таштил вақтида чет элга бориб, ҳам билим олапти, ҳам даромад топапти. Бу дастурлардан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида келгуси йилдан Ёшлар ишлари агентлиги томонидан талабаларнинг йўлиқара харажатлари учун соуда ажратилиш йўлга қўйилиши айтилди. Бундан ташқари, чет элда меҳнат қилаётган юрдошларимиз билан мулоқотни кучайтириш, уларнинг кўпроқ оилик олишига шароит яратиш ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди. Йиғилишда мутаасаддиларнинг ахбороти эшитилди. Ишсиз аҳолини талаб юқори касбларга ўқитиш, хориждан қайтарилган бандлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Ҳ.А.

Аграр соҳа тараққиётида янги bosқич

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан асос солинган қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини мамлакатимизда кенг нишонланмоқда

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларда асосий эътибор бебаҳо бойлик, фаровон ҳаёт калити бўлган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилмоқда. Натижада соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, унга бозор тамойиллари изчил таътиб этиляпти, замонавий ва интенсив технологиялар жорий қилинган. Бу эса қадимий аънаналарга эга бўлган ўзбек деҳқончилик мактаби илм-фан ва инновациялар уйғунлигида ривожланишига, аграр соҳа тараққиёти янги bosқичга кўтарилишига йўл очмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси равнақига устувор аҳамият берилётгани бежиз эмас, албатта. Чўки жаҳонда аҳоли сонининг ортиб бориши, қолаверса, иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар таъсирида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифага айланган.

Шунингдек, деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш учун 75 минг гектар ер майдонлари 180 минг нафардан ортиқ ижтимоий муҳтож аҳоли ҳамда ёшларга бўлиб берилгани ва 200 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани қишлоқда бандлиқни таъминлаш, реал даромадларни ошириш, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнамоқда.



Аграр соҳа тараққиётида янги bosқич

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан асос солинган қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини мамлакатимизда кенг нишонланмоқда

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларда асосий эътибор бебаҳо бойлик, фаровон ҳаёт калити бўлган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилмоқда. Натижада соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, унга бозор тамойиллари изчил таътиб этиляпти, замонавий ва интенсив технологиялар жорий қилинган. Бу эса қадимий аънаналарга эга бўлган ўзбек деҳқончилик мактаби илм-фан ва инновациялар уйғунлигида ривожланишига, аграр соҳа тараққиёти янги bosқичга кўтарилишига йўл очмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси равнақига устувор аҳамият берилётгани бежиз эмас, албатта. Чўки жаҳонда аҳоли сонининг ортиб бориши, қолаверса, иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар таъсирида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифага айланган.

Шунингдек, деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш учун 75 минг гектар ер майдонлари 180 минг нафардан ортиқ ижтимоий муҳтож аҳоли ҳамда ёшларга бўлиб берилгани ва 200 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани қишлоқда бандлиқни таъминлаш, реал даромадларни ошириш, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнамоқда.

ШУКУХ

Халқимиз хоҳиш-иродасининг ёрқин тимсоли ва амалий ифодаси



Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислохотларимизнинг ортага қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли қафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Президентимизнинг Конституция кунини муносабати билан Ўзбекистон халқига йўнланган табриғи байрам шуқуқини янада оширди. Халқимиз

уни кўтаринки руҳда, юқори кайфиятда кўтиб олди. Зотан, жорий йилда мазкур айём жонажон Ватанимизда тарихий ислохотлар амалга оширилган, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта ўзгаришлар рўй бераётган бир шароитда ўтмоқда. Энг муҳими, янги таҳрирдаги Бош қомусимиз мана шў янгилинишларнинг асоси ва таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси... Шў учта сўзда халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, азалий орзу-истаклари, тарихи ва тақдирини, келажагининг инъикоси зоҳир. Шў боис ўтган йили ушбу Асосий Қонунни янги таҳрирда, чинакам халқини ва демократиқ, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида қабул қилиш учун халқимиз, жинслашди, бир тану бир жон бўлди.

Бугун янги Ўзбекистоннинг ўзига хослиги, обрў-эътибори, куч-қудрати янги таҳрирдаги Конституция асосида инсоннинг олий қадрият даражасига кўтарилгани билан баҳоланмоқда. Зеро, Бош қомусимиз жамятда ижтимоий адолат, тенглик, инсонпарварлик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, тинчлик-тотувлик, демократиқ, фаровонлик, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топти-

ришга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга замин бўлмоқда. Президентимизнинг байрам табриғида таъкидланганидек, халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури, хоҳиш-иродасининг ёрқин тимсоли ва амалий ифодаси бўлган Асосий Қонунимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Муносабат

Бағрикенгликнинг яна бир намунаси

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи улуг айёмлар арафасида бағрикенглик, инсонпарварлик, кечиримли бўлиш каби халқимизга хос эзгу фазилатлар кўлами янада кенгайди. Хусусан, бу Конституциямиз қабул қилинганнинг 32 йиллик байрами арафасида яна бир бор намоён бўлди. Улуг айём муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатий ўтган жазо муддатини ўтаётган 483 нафар шахс афв этилди. Бу эса қўллаб-қўйилганга шодлик, оилаларга ҳаловат ва рўшнулик улашди. Мазкур Фармоннинг қабул қилингани Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан давлат ва жамятининг барча соҳасида амалга оширилаётган демократиқ ўзгаришлар инсонпарварлик тамойилига асосланганлигини кўрсатуви яна бир ёрқин далилдир.

2-саҳифага қаранг. → 3

ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ ВА АМАЛИЙ ИФОДАСИ



Хосен ПАЙДОЕВ олган сурат.

Хар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасидан.

САЛОМАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Дадажон ЖАББОРОВ,
«Соғлиқни сақлаш аълочили» кўкрак нишони соҳиби:



— Ҳаётда инсон учун энг муҳим нарса, бу — саломатлик. Шу боис аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи янги таҳрирдаги Конституцияда ўз аксини топган. Умуман, ушбу ҳужжатда аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайди. Қувонарлиси, Президентимиз томонидан халқимизга йўланган байрам табригида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилишига урғу берилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблаглар ҳажми 2 баробар кўпайтирилиб, тиббий сугурта тизими-га ўтиш ва аҳолини кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ таъминлаш усутури вазирамиз бўлиб қолиши таъкидланди. Бу аҳоли соғлигини ишончли муҳофаза этиш, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар тахдиҳини барта- раф қилишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

катларда даволашни жараёнлари катта маблагни талаб этади. Шу боис одамлар профилактик тадбирларда қатнашиш имконини қила олмайди. Юртимизда эса фуқароларнинг саломатлигини асраш учун хонадонбай ишлаш тизими жорий этилган. Бу тизимнинг дунёда ҳеч бир мекюбили йўқлигининг ўзи мамлакатимизда инсон саломатлигини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа эканидан далолат. Мен раҳбари бўлган «Шарқ юлдузи» оилавий шифокор пункти Булоқбоши туманидаги «Байналмидал» маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи қарийб 10 минг аҳолига хизмат кўрсатади. 32 нафар тиббиёт ходими ҳар бир хонадонга масъул қилинган бўлиб, маълум муддатларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар уюштирилади, саломатлигига доир назорат ишлари ташкил этилади. Бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган касалликларнинг олди олинади. 2022 йили шифохонамизда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий тиббий техник воситалар билан таъминлан-

дик. Бу эса аҳоли орасида эмлаш ишларини ўз вақтида бажариш, профилактик тадбирларни ташкил этиш, касалликларни аниқлаб, беморларни тўғри йўналтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз фаоллигини оширди. Маълумотларга кўра, Андижон вилоятида туризм соҳасининг ривожланишида тиббиёт сайёҳлиги етакчи ўринда туради. Бунга етук мутахассисларнинг, даволашни учун етарли шараитларнинг мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Хар гал кўшни мамлакатлардан даволашни учун келган беморлар билан суҳбатлашганимизда улар бизга катта ҳавас билан бо- ҳисига гувоҳ бўламиз. Юқоридаги мисоллар ҳам Бош қомусимизнинг инсоннинг муносиб турмуш кечир- ишини кафолатловчи халқчил ва ижтимоий йўналтирилган ҳужжат эканини кўрсатади.

Ўзим шифокор бўлганим учун соҳада амалга ошири- лётган ислохотларни хорижий давлатлар билан солишти- раман. Аксарият мамла-

Давлат кулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди. Тадбиркорлар қонуничликка мувофиқ хар қандай фаолиятни амалга ошириш- га ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасидан.

КЕЛАЖАККА ИНТИЛИБ ЯШАШ САОДАТИ

Адҳам МАМАТҚУЛОВ,
Кўқон шаҳридаги «Адан текстиль плюс» МЧЖ раҳбари:



— Кейинги йилларда миллий иқтисодий омир томи маънода ислох қилинди, десак, муболага бўлмайди. Ташқи савдо, банк, солиқ ва молия, божхона, валюта тизимлари либераллаштирилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда худудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар қўрилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизга инвестиция оқими жадаллашди, тадбиркорлар сафи кенгайди. Соҳадаги янгиланишлардан рухланиб, янги бизнес ғоя ва лойиҳаларимизни ҳаёт- га татбиқ этиялдим. Бугунги кунда 6 миллион долларлик янги лойиҳани амалга оши- ришга киришганмиз. Дастлаб 15 та иш ўрни билан фаолият бошлаган эдик. Ҳозирда корхонамизда 150 та доимий иш ўрни бор. Утган йиллар давомида янги бинолар куриб, замонавий

технологиялар ўрнатиш орқали табиий ма- тодан 500 хилдан зиёд мактаб сумкалари, рюкзак, чемадон ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Махсулотларимиз маҳаллий бозорда ўз ўрнини топган, Қозоғистон, Қирғизистон каби кўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинади. Умуман, фаолиятимиз кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Утган йили 2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг 10 ойида мазкур кўрсаткич 2,5 млрд. сўмни ташкил этди. Энг муҳими, эртанги кунга ишончимиз биланди. Зеро, Ўзбекистон дунёдаги ишлаб чиқариш занжирларида қўшилиш мақсади- да Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун катта қадамлар ташляпти. Ортиқча бю- рократияни қисқартириш ва коррупцияни та- гириштириш билан йўқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Мамлакатимизда товарлар, хизматлар, ка- питал ва меҳнат бозорларини янада эркин- лаштириш сиёсати изчил давом эттирил- моқда. Бундан рухланиб, истиқбол учун янги бизнес-режалар тузаялдим. Яқин вақтда ана шундай лойиҳалардан бирини ҳаётга та- тбиқ қилиш орқали иш унуми ва салмоғини янада яхшилаш, 50 дан ортиқ янги иш ўр- инлари яратиш ниятидамиз.

Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, умуман ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунинг-дек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасидан.

МУШКУЛ ПАЙТЛАРДА ҚЎЛ УЗАТГАН — ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ

Мухайё ШНИЁЗОВА,
тадбиркор (Шўрчи тумани):



— Ҳаёт — инсонга бебаҳо совға, аммо у паст-бандликлардан иборат. Баъзида бизни ҳаётнинг син- новлари шу қадар қийнайдики, шун- дай кезларда умидсизликка тушиб қоламиз. Қийинчиликлар ҳар кимга турли шаклларда келиши мумкин: шахсий муаммолар, молиявий етишмовчи- лик, касаллик, яқинларини йўқотиш ва ҳоказо. Таъбир жоиз бўлса, мен бу мураккабликларнинг барини бошдан кечир- дим. Шундай кезларда руҳан эзилдим, ишончим сусайган кунлар ҳам бўлди... Синовларга таълим бўлмаслик, ёруғ кунлар келишига ишонч туғиларининг пайдо бўлишида кучли туртки, бу — давлатнинг кўмаги экан. Давлатимиз ишсизликдан ҳимоя қилиб, бандлигини таъминлади, камбағалликдан, чорасиз- ликдан олиб чиқди. Гап шундаки, маҳалла фаоллари мени «аёллар дафта- ри»га киритиб, чеварликка бепул ўқитди. Дастлаб тикув машинаси беришди. Кейинчалик имтиёзли кредит асосида бир неча шундай замонавий дастгоҳлар харид қилиб, ало- хида бинода кичик цех ташкил этдик. Илгари чорасиз қолган аёл бугун давлат кўмаги билан тадбиркор, мулкдор бўлди. Бундан рухланиб, миннатдор- лик тарихида маҳалламиздаги хотин-қизларга ҳунар сир- ларини ўргатиш мақсадида бепул курс ҳам очдим. Мушкул пайтларда менга қўл узатган дўст — давлатимиз эканини бугун баралла айтаман. Қувонарлиси, Президентимизнинг халқимизга табригида келгусида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун жами 46,5 триллион сўм маблаг сарфланиб, 1 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш режалаштирилган таъкидланди. Бу қанчадан-қанча оилаларга даромад кирад- ди, юртошларимизнинг огири енги бўлди, деганидир. Биз ҳам бундай эзгу ишларга баҳоли қудрат камарбаста бўламиз.

Хар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, тақлифлар ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мундташларда кўриб чиқилиши шарт.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси.

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ТАҚДИРЛАР БОР

Алижон ЖАЛИЛОВ,
халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати:



— Президентимизнинг 2016 йил 28 де- кабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллашти- ришга доир чора-тад- бирлар тўғрисида»ги Фармони инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинлик- лари, манфаатларини тўлақоли таъминлаш- да тарихий ҳужжат бўлди, десак, айни ҳақиқат. Зеро, аҳолининг эртанги кунга ишончи ва бу- гундан рози ҳаёт кечирishiни таъминлашда фуқаро муурожаатлари билан ишлаш ва юзма- юз мулоқотларнинг самараси бўлакча. Шу асосда мамлакатимизда инсон омили ва унинг манфаатлари юқас қадрият даражасига кўтарилиб, масъул раҳбарларнинг фуқаро муурожаати мақсадида ҳар тубдан ўзгарди. Асли- да узоқ йиллар «мавсумбозлик»ка ўрганиб, бу- ниси ҳам «ўтиб кетар» қабилида иш тутиш жа- мият рўбарў келган аксарият муаммоларнинг ил- дидиздир. Қолаверса, ўз таъмили билан турли идоралар эшлигини тақиллатган кишини «ёзув- чи» атаб, эшлиги яқинига йўлатмаган раҳбарлар бугунги кунда ўзлари осона ҳатлаб, муаммо- ларни ўрганмоқда.

Мухтасар айтганда, халқнинг муаммо ва шикоятларини тинглаб, бартараф этиш чораларини кўриш давлат идораларининг асосий вазифаларидан бирига айланди. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб- ликаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилини- ши аҳолини ташвишга солаётган муаммолар- ни ўрганиш ва бартараф этиш, фуқаролари- мизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкам- лаш билан бирга, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган эзгу тамойилни янада мустаҳкамлади. Фуқароларнинг ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат идораларига, фуқаролар- нинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, тақлифлар ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги, уларнинг аризалари, тақлиф ҳамда шикоятлари қонун- да белгиланган тартибда ва мундташларда кўриб чиқилиши шартлиги Конституциями- zda мустаҳкамлаб қўйилди. Бугунги кунда шу асосда сайёр қабуллар, очик мулоқотлар орқали фуқаролар муурожа- атларини ўрганиш мавжуд муаммоларнинг иж- боий ечимини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва ман- фаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрлидир.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 73-моддаси.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

Гулсара ҚУРБОНБОЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати:



— Бугун дунёдаги деярли барча мамлакат ўз Конституциясига эга, лекин бизнинг Бош қомусимизнинг эътиборга молик жиҳати, унда инсон манфаатлари давлат манфаатларидан устун қўйилганидир. Конституциями- zда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мустаҳкамланган. Жумладан, Конституциями- zда хар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият тури- ни эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шараитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қан- дай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шу- нингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги бел- гиланган бўлган.

монидан ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъ- минлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш ва мароқли дам олдириш борасида қатор ишлар амалга оширилиб ке- линмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан 111 нафар ишчи-хизматчининг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 760 млн. сўмдан ортиқ маблаг ундириб бе- рилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича 33 та кор- хона ва ташкилотдаги ходимларнинг ҳаёти ва меҳнати учун хавф туғдириши мумкин бўлган 150 дан зиёд камчиликлар бартараф этилди. Касаба уюшмалари «аёллар дафтари» ти- зими орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда алоҳида жонбоз- лик кўрсатмоқда. Федерация ҳошида очил- ган «Ишонч телефони»га хотин-қизлар томонидан келиб тушган муурожаатлар тезкор ўрга- нилиб, муаммоларга оқилона ечим топилаёт- гани ҳам шундан дарақ беради. Хуллас, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бунда касаба уюшмалари олдинги саф- да туради.

Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга оши- риши учун зарур шарт-шароитлар яратиб, уларга қонунда белгиланган ваколатла- рини амалга оширишда кўмаклашади.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасидан.

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАРГА КЎМАКЧИ

Маматкул БЕКМУРОДОВ,
Жиззах шаҳар «Заргарлик» МФЙ раисининг жамоатчилик асосидаги кексалар ишлари бўйича маслаҳатчиси:



— Халқимиз хар бир ишни маслаҳатлаштириб бошлайди. Дунёдаги ҳар бир мамлакат- да учрамайдиган тизим — маҳаллада эса бу саъй-ҳара- катларга оқсоқол доимо бош-қош. Ана шундай одам- лар сафида эканимдан, са- воб юмушларга, озми-кўпми, ҳисса кўшаётганимдан қувонаман. Маҳалламизда турли мил- лат вакиллари, турли касб эгалари истикомат қиладилар. Худудимизда мактаб ва боғ- чалар, савдо марказлари, мусиқали драма театри, уни- верситет, Ёшлар маркази, ФХД бўлими, кўп қаватли тураржойлар мавжуд. Албат- та, бундай маҳаллада ишлаш катта масъулият талаб қи- лади. Маҳалламизда доим ўзинга яраша ибратли, савоб- ли ишлар амалга ошириб ту- рилади. Тўй ва бошқа маро-

лият кўрсатдим. Кейин «маҳалла еттичилиги»га асос солинди. Янги таҳрирдаги Асосий Қонуни- mизда маҳалла муста- қил экани белгилаб қўйилди. Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошири- ши учун зарур шарт-шароит- лар яратиб, уларнинг қонун- да белгиланган ваколатлари- ни бажаришига кўмаклаша- ди. 2024 йил 27 октябрда ўтқазилган Ўзбекистон Респуб- бликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутат- лари сайловлари натижалари- да бу ақвол намоен бўлди. Сайловчиларнинг асосий қисми янги Ўзбекистон кела- жати учун овоз берди. Бу ҳамжиҳатлики ҳис этиб, бар- ча каби мен ҳам қувондим. Халқ хоҳиши ва иродаси ифодаланган сайлов асосий мезон — инсон қадри бўлиб қолишини тасдиқлади.

симларда ҳамжиҳатлигимиз дарров билинади. Умримнинг асосий қисми- ни эл-юртга бағишладим. Шунинг учунми, улардан айро бўлишни истамайман. Ҳамиша кўмакка муҳтожлар- ни излайман. Ширин сўз би- лан ҳолидан хабар оламан. Нафақат шахримизда, балки вилоятимизда ҳам энг катта ҳисобланадиган маҳаллада истикомат қилувчи кексалар учун масъулияти зиммамга олганимга ҳам кўп вақт бўлди. Дастлаб ёлғиз фао-

Хар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг хар шакл- турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таъ- лим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасидан.


ҲАМ ТАЪЛИМ ОЛДИМ, ҲАМ ҲУНАР ЎРГАНДИМ

Ҳилола ИЛАШОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси (Сирдарё вилояти):



— Юртимизда таълимни ривожланти- риш энг устувор вазифа этиб белгилан- гани туфайли кейинги йилларда соҳада жуда катта ижобий ўзгаришлар қилин- ди. Хусусан, боғчада болаларга тарбия билан бирга таълим беришга ҳам катта эътибор қаратилгани, мактабларда ўқув- чиларни турли касб-ҳунарларга ўргатиш ҳам намуналий йўлга қўйилгани бунга мисолдир. Қамина ҳам Конституциями- zдаги таълим олиш бўйича бел- гилаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлардан умумий фойдаланган ёшлар қаториданман, десам, муболага бўлмайди. Масалан, айни умумтаълим мактабидан олган билимларим келажагим учун кат- та таъбир кўрсатган. Ваҳоланки, чекка қишлоқдаги таълим дар- гоҳида таҳсил олганман, аммо у ердаги шарт-шароитлар, бери- лётган билимлар шахарникидан асло қолишмайди. Шунинг- дек, туманими- zда касб-ҳунар мактаблари ҳам мавжуд. Оқори синфларда ўша мактабда ўқидим. Мақсадим — келажақда фа- қат ўзим танлаган соҳа бўйича олий таълимни олиш мақса- дини қолмай, бирор ҳунарни ҳам ўрганиш эди. Ниятим амалга бўлиб, касб-ҳунар мактабини чуқур билим олиш баробарида чеварлик ҳунарини ҳам ўрганган ҳолда битирдим. Айни пайтда университетда давлат гранти асосида ўқиялман. Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ёшларнинг чуқур таълим олишлари ва ўзлари танлаган соҳа мутахассиси, касб-ҳунар эга- си бўлиши учун барча шараф яратилган. Фақат мақсадимиз қатъий бўлса, имкониятлардан самарали фойдаланса, интилиб, изланиб ҳаракат қилса, барча орзуларимизга етамиз. «Халқ сўзи».

Мамлакатимизда экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида Яшил хайрия жамғармаси ташкил этилмоқда.



АГРАР СОҶА ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Барқарор ўсиш кўрсаткичлари

БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) маълумотларига кўра сайёрамиз нуфусининг кўпайиши ҳозирги суръатда давом этса, 2050 йилда бу кўрсаткич 10 миллиард нафарга етиши мумкин экан. Жадал демографик ўсиш фуқароларининг аксариятини ёшлар ташкил этадиган давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда яққолроқ сезилади.

Дарҳақиқат, юртимиз аҳолиси йилга қарийб 1 миллион нафарга ўсмоқда. Олтинга тенг бўлган суғориладиган ер майдонлари ва сув манбалари эса чекланган. Шу боис ички бозор барқарорлигини омиликорлик ва ҳосилдорлик орқали таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш тадбирлари асло суайтирилгани йўқ. Бу борадаги мақсадлар улкан, режалар эса аниқ. Президентимиз таъкидлаганидек, "Асосий мақсадимиз қишлоқ хўжалигини илмий асосланган, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг энг яхши тажрибаларини татбиқ қилган ҳолда ривожлантириш"дир.

Соҳада ҳар бир иш ана шу қатъий талаб асосида олиб борилаётгани туфайли сифат ўзгаришлари кузатиломқода. Буни айни пайтда сарҳисоб қилинаётган жорий деҳқончилик мавсуми якунлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Дастлабки ҳисоб-китобларимизга қараганда, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 477,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилдагига қиёсланганда 104 фоиз ўсишга эришилди. Бошқача айтганда, тажрибали деҳқонларимиз, илгор кластер ва фермерларнинг фидокорона хизматлари туфайли 8,8 миллион тонна дон, 3,1 миллион тонна пахта, 12,1 миллион тонна сабзавот, 3,7 миллион тонна картошка, 2,7 миллион тонна полз маҳсулотлари, 3,3 миллион тонна мева, 1,8 миллион тонна узум етиштирилди.

Шу билан бирга, юртдошларимизга 2,9 миллион тонна гўшт, 12,3 миллион тонна сут, 8,9 миллиард донга туҳум этказиб берилди. Пировайда озиқ-овқат саноатида 103 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 119,3 фоизни ташкил этди.

Бу каби барқарор ўсиш кўрсаткичлари ўз-ўзидан кўлга киритилганга йўқ, албатта. Буларнинг замирида ислохотларнинг янги босқичида қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тизими тубдан такомиллаштирилиб, аграр со-



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Қишлоқ хўжалиги вазири.

ҳанин ҳар бир тармоғи ўз эгасини топгани мубарракам.

Бошқарувга янги ёндашув

Очигини айтиш керак, илгари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамма соҳа билан ишлашига тўғри келган. Оқибатда уларнинг ҳеч бирида юқори натижаларга эришилмади. Бу камчиликларни бартараф этиш йўлида, аввало, соҳага бевосита тааллуқли бўлган бир қанча мустақил идора ва ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди. Соҳада бошқарув ва иш юритишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди.

Бу ҳақда гап кетганда, шу йилнинг ўтган даврида 62 та норматив ҳужжат қабул қилингани алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Президентимиз томонидан яқинда имзоланган "Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши Раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Ушбу янги лавозим эгалари зиммасига соҳани модернизация суайтириш, инвестициявий жойбардорликни ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар юклатилди.

Қишлоқ хўжалиги кенг тармоқли, шу билан бирга, юқори салоҳиятли соҳадир. Сўнги йилларда унинг барча тармоғи самарадорлик нуктаи назардан ислох қилиниб, саноат билан уйғунлаштирилди. Натижада биргина пахтачиликда хомашё экспортга чек қўйилиб, заманимизда етиштирилган пахта толаси тўлиқ ўзимизда қайта ишланган. Айни пайтда республикамизда кластерлар сони 662 тага етди. Шундан 146 таси пахтачилик, 126 таси галла-

чилик, 136 таси мева-сабзавотчилик йўналишида, қолганлари эса бошқа тармоқларда самарали фаолият юритмоқда. Улар томонидан биргина 2024 йилнинг ўзида 225,7 миллион доллар миқдорда инвестиция жалб қилиниб, 143 та йирик лойиҳа амалга оширилди. Бунинг эвазига 15,2 мингта иш ўрни яратилди. Энг асосийси, кластерларда маҳсулотни қайта ишлаш даражаси ортиб, пахтачиликда бу кўрсаткич 91 фоиздан 96 фоизга, галлачиликда 48 фоиздан 57 фоизга, мева-сабзавотчиликда 50 фоиздан 55 фоизга ошди.

Яна бир муҳим янгилик, аграр жабҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги кооперативлари фаолияти йўлга қўйилди. Шу йилнинг ўзида пахтачилик йўналишидаги 481 та фермер хўжалиги 19 та кооперативга бирикди. Натижада ушбу

бўлмаган 18 та ғўза нави танлаб олинди. Халқимизнинг "Сара уруғ — ҳосил бўлиқ" деган пурмаёно мақолидан аниқлаш мумкинки ҳосил тақдирини, биринчи навбатда, уруғликка, унинг сифатига боғлиқ. Гап ғўза уруғчилиги ҳақида борар экан, етти ўлчаб, бир кесиш талаб этилади. Негаки, кейинги йилларда кузатилаётган жазирама ҳарорат, боз устига, сув тақчиллиги ва курғоқчилик каби омиллар ғўзанинг экстремал шароитларга мослашувчан навларини экинчи тақозо қилмоқда.

Олдинлари ана шундай хусусиятларга эга хориж навларини экишга рухсат йўқ эди. Давлатимиз раҳбари масаланинг шу сингари ўта нозик жиҳатларига ҳам эътибор қаратиб, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан ғўза навларини жойлаштиришда қафолатланган уруғ таъ-

кластери ўтган йили атиги 15 центнердан ҳосил олинган пахта майдонидан жорий мавсумда 50 центнерга "оқ олтин" териб олди. Демак, ҳосилдорлик кўрсаткичи бир йил ичида тақрибан 35 центнергача кўтарилди.

Шубҳасиз, ушбу муваффақиятнинг асосий омилли ғўзанинг Хитойдан олиб келинган "Zhong Tai-2" нави экилиб, амалиётга интенсив технологиялар жорий қилинганидир.

Мамлакатимиздаги кўплаб фермер ва кластерлар далаларида ҳосилдорлик кўрсаткичи бундан ҳам ортди. Жумладан, "Бухоро агрокластер" пахта-тўқимачилик кластерининг 2 минг гектар ерида ҳам ушбу нав парваришланган ҳам эътибор қаратиб, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан ғўза навларини жойлаштиришда қафолатланган уруғ таъ-



барпо қилинапти. Жорий йилда 33,6 минг гектар мевали боғ ва 101,2 минг гектар тоқзор яратилди. Эътиборли жиҳати, шундан, 6,6 минг гектар боғ ва 1,2 минг гектар тоқзор қир-адирларда ташкил этилди.

Миллий брендага айланиб улгурган меваларимизни жаҳон бозорларида янада кенгроқ танитиш, хорижий мамлакатлар билан ўзаро таҳриба алмашиш мақсадида "Ковун сайли" ва "Узум сайли" халқаро фестивалларини ўтказиш аънава тусини оляпти.

Зотан, бу каби тизимли ислохотлар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида қишлоқ хўжалиги бўйича белгилаб олинган муҳим вазифалар ижроси, хусусан, стратегиянинг 2024 — 2030 йилларга мўлжалланган мақсадли индикаторлари ҳамда 2024 — 2028 йилларда республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастури доирасида рўйбга чиқариляпти.

Бугун мамлакатимиз узра кенг тантана қилинаётган Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кўни ва "Ҳосил байрами"да аграр соҳада кўлга киритилган ушбу ютуқлар эътироф этилмоқда. Фидокорона хизматлари эвазига халқимиз хонадонига барак олиб кириб, ризку насбамиз бутунлиги, бозорларимиз тўқинлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган камтарин инсонлар олқишланаяпти. Зотан, соҳада кўлга киритилган бугунги натижалар мамлакатимиз иктисодиётини барқарор суурьларда тараққий эттириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажминини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши билан гоятда аҳамиятли ва қадрлидир.

“ Дастлабки ҳисоб-китобларимизга қараганда, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 477,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилдагига қиёсланганда 104 фоиз ўсишга эришилди. Бошқача айтганда, тажрибали деҳқонларимиз, илгор кластер ва фермерларнинг фидокорона хизматлари туфайли 8,8 миллион тонна дон, 3,1 миллион тонна пахта, 12,1 миллион тонна сабзавот, 3,7 миллион тонна картошка, 2,7 миллион тонна полз маҳсулотлари, 3,3 миллион тонна мева, 1,8 миллион тонна узум етиштирилди. ”

йўналишидаги кооперативлар сони 30 тага, мева-сабзавотчиликда 178 тага етди.

Юқори сифат ва самарадорлик — асосий мезон

Дарҳақиқат, бугун соҳада ишга ёндашув, муносабат тамомила ўзгарган. Рақамлар кетидан кувий эмас, юқори сифат ва самарадорлик асосий мезонга айланган. Масалан, бу йил пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш мақсадида илк бор 96,1 минг гектарга таҳриба тариқасида хорижий ғўза навлари экилди. Бунда Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Тожикистон ва Қирғизистондан курғоқчиликка, шўрга чидамли, ҳосилдорлиги 50 — 60 центнердан юқори, тола чиқими 42 фоиздан кам

минотига мувофиқ эркинлик берди. 2023 йил 15 декабрда имзоланган "Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга кўра, 2024 йил 1 январдан юқори ҳосилли хорижий ғўза навлари ва дурағайларини олиб киришга рухсат берилди. Улар таҳриба-синнов тариқасида пахта етиштириладиган майдонларнинг 10 фоизига жойлаштирилди. Шунингдек, "тиндирилган уруғ" экиш амалиёти жорий қилинди.

Тажрибали пахтакорлар таҳриба-синнов тариқасида экилган ғўзанинг хориж навлари заманимизга мос тушган пахта йғим-терими мавсумида яна бир қарра ишонч ҳосил қилишди. Сабаби ҳосилдорлик қаррасига кўтарилди. Мана исботи: Оқолтин туманидаги "Indorama" пахта-тўқимачилик

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Кейинги йилларда юртимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасини аҳоли турмуш даражасида, фаровонлигида яққол кўряпмиз. Халқимиз эришган энг катта ютуқ ва улкан муваффақиятлардан бири, бу — миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори, чинакам демократик давлатнинг умумэтироф этилган меъёрларига жавоб бера оладиган янги, мутлақо замонавий Ўзбекистон Конституциясини қабул қилганимиздир, десак, айни ҳақиқат.

Фикр



Дарҳақиқат, Бош қомусимиз демократик, сиёсий ва ҳуқуқий институтларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланадики, шу боис ҳам, унинг жамият ҳаётида баҳарадиган вазифаларини тарихий тараққиёт ва таҳриба билан узвий алоқадорликда талқин этиш зарур. Шундангина биз, ушбу муҳим ҳужжатнинг туб моҳиятини янада чуқурроқ аниқлаб етишимиз мумкин бўлади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади — ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувоzanати тизимининг замонавий концепциясини ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ўртасида ваколатлар қайта тақсимланди. Жойларда ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимлашига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели назарда тутилди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойилни Бош қомусимизда мустаҳкамлаш гоисини илгари сурган эди. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бо го янада мустаҳкамланиб, ижтимоий давлатни барпо этишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Шу боис ҳам, Асосий Қонунимизда ижтимоий давлатнинг муҳим белгилари акс эттирилиб, мазкур принципларга оид

нормаларнинг янада мустаҳкамлангани, жумладан, аҳолига сифатли таълим ва юқори даражадаги тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш, ижтимоий эътиҳаманд аҳоли қатламни кўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат шaroитларини, адолатли иш ўринлари ва иш ҳақи олиш тизимларини яратиб бериш, ишсизликдан химояланишида кўмаклашиш, уй-жойга эга бўлиши борасидаги ҳуқуқларини янада кенгайтиришга қаратилган қондалар билан тўндирилгани халқимиз ҳаётида улкан аҳамият касб этади.

Шу нуктаи назардан, янги таҳрирдаги Конституциямизни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни янги Ўзбекистонимизнинг улғувор гоисига ҳамоханг тарзда рўйбга чиқариш, давлат органлари фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйишга оид мақсадларимизга эришимиз айна мудаодир. Қолаверса, биз, депутатлар фуқароларимиз ўз ҳаётида халқ Конституциясини руҳини яққол хис қилиб туриши учун давлат ва жамият ҳаётида муносиб иштирок этишимиз ва шу орқали аҳоли манфаатларига оид масалаларни ечишда масъул эканимизни доим ёдда тутишимиз лозим.

Шубҳасиз, Конституция — бу мамлакатимиз тараққиёти, аҳоли фаровонлигининг муҳим гарови. Агар қонунларга қатъий амал қилсак, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик бурчимизни адо этган ҳамда юртимиз равнақига муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Зулайҳо АКРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЯНА БИР НАМУНАСИ

Соҳиба Тўраёрова (Ургут тумани):

— Ҳеч бир инсон йўлдан адашмасин, хато қилмасин экан. Билиб-билмай қилган жиноятим учун Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган эдим.

Тинч ва эркин яшаётганлар баъзан бунинг қадрини билмаслигини озодликдан маҳрум қилинган, чуқур англадим. Бунинг сўз билан ифодалаш мумкин. Озодлик, оила бағридаги кўзур-ҳаловатга ҳеч нарса етмайди. Айниқса, ўз оиланг, яқинларинг билан тинч ва фаровон жамиятда яшадан улғурроқ неъмат йўқ экан.

Юртбошимиз Фармонига кўра афв этилишини кўзларимни қувонч ёшларига тўлдирди. Берилган имкониятни, билдирган ишонччи ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

Ҳамидуллоҳ ШЕРНАЗАРОВ (Музработ тумани):

— Ёшлик — гўрлик, дейишди, шунданми хато йўлга кириб қолдим.

Мақтабда ўқиб юрган кезларда жанжал сабаб, тенгдошимга оғир тан жароҳати етказиб қўйдим. Озодликдан маҳрум бўлган давр мобайнида ҳаётнинг қадрини билдим. Қилган хатоим учун фақат ўзим айбдорим. Бошимга тушган бу кўргилик учун пушаймонлигимнинг чеки йўқ.

Минг раҳмат, Юртбошимиз бағрикенглик қилиб мен каби адашганларни кечирди. Очиғи, давлатимиз, оилам ва дўстларим хатоларимни кечирган бўлса ҳам, ўзимни кечирим қийин бўляпти. Ўзимга ваъда бердимки, ўтмишимни ўзгартира олмасам ҳам, унинг хатоларидан сабоқ олиб, яхши инсон бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Шерзодбек ҒАҒУРОВ (Бағдод тумани):

— 23 ёшимда алдов тузоғига тушиб, тўғри йўлдан адашганим боис 5 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган эдим. Панжара ортига бошлаган бу хато ҳаётимда аччиқ сабоқ бўлди.

Шуқрки, юксак бағрикенглик — афвдан баҳраманд бўлиб, оилам бағрига қайтдим. Байрамни оила аъзоларимиз билан биргаликда нишонладик. Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан бундан кейин асло жиноят кўчасига кирмасликка ваъда бераман. Яқинларим ҳам Президентимиз, халқимиз ишончини энди тўғри ва ҳалол ишлаб оқлашим зарурлигини таъкидлашди.

Яқин кунларда мумкин иш ўрнига эга бўлиш ва оилам фаровонлигини таъминлашни мақсад қилдим. Насиб этса, бундан буён яқинларимнинг юзини ерга қаратмайман.

Бекзод ЭРҒАШЕВ (Жиззах вилояти):

— Оқибати ўйланмасдан босган қадамим яхшилик билан тугамади. Менинг билиб-билмасдан жиноят кўчасига кириб қолишимга, аввало, ўзимнинг билимсизлигим сабаб бўлди.

Ёшим 23 да, қилмишим учун 3 йиллик жазо тайинланган бўлиб, ҳали ўғалмай қолган 1 йил 9 ой муддат бор эди. Президентимиз Фармонига кўра афв этилдим. Бугун қилган номақбул ишларимдан, хатомидан чин дилдан пушаймонман, ўзим учун хулоса чиқардим. Шундай кечиримли, ғамхўр юртда яшаётганимдан хурсандман.

Баҳодиржон БАҲОДИРОВ (Шахрихон тумани):

— Авваллари озодликнинг, эркинликнинг қадрини анчалик хис этмас эканман. Жиноят содир қилиб, озодликдан маҳрум этилган, унинг қадрини англаб етдим. Озодликдаги ҳар бир сония олтинга тенг бўлиқ экан.

Давлатимиз раҳбари мен каби адашган инсонларга имкон бериб, бу юртда инсон қадри, унинг манфаатлари ҳар нарсадан устун деган фикрнинг ҳақиқий исботини намоён қилганларидан бир умр миннатдорман.

Бугундан мен учун ҳаётнинг янги саҳифаси очилди. Унинг ҳар бир онини эзгу ишлар билан тўлдириб ниятидаман. Шу боис ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган ҳолда жамиятга, юртимга керакли инсон бўлмоқчиман.

«Халқ сўзи».

Мутолаа

ИШОНЧ ТУҲФА ЭТГАН ИЛҲОМ МЕВАСИ

Ишонч — инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни барқарор ушлаб турадиган, ҳаёт воқелигига мазмун бахш этадиган, эртанги кунга умид берадиган, курашишга ундайдиган бебаҳо туйғу. Кишининг ўзига, келажакка, яхши амалларнинг хайр-савоб келтиришига, дўстларига, яқинларига ишончи унинг чин маънода инсон сифатида яшашига, бу ҳаётда эзгу ном қолдиришига замин бўлади.

Аксинча, бу қадри туйғуга дарз кетса-чи? Ҳозирги дунёда барчамиз кўриб, туйғу бўлаётган ҳамма кўнгилсизликлар, бахтсизликлар, англашилмовчилик, уруш-жанжал, алдов ва хиёнатлар, фожиалар — ишонч инқирозининг оқибатларидир.

Атоқли адиб Хайридин Султоннинг "Ишонч телефони" китобини ўқиб, ана шу ҳақиқатнинг бадий ифодаларига яна бир бор амин бўламиз.

Асардан жой олган йигирмадан ортиқ бадий тугал ҳикояларни "Ишонч телефони" оператори Моҳидил Исмаилова образи, унинг ҳаёти ва фаолияти, аянчи тақдири биллаштириб туради. Бу ҳикоялар қаҳрамонлари ўз бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни, дарду ташвишларини, гоҳ аччиқ, гоҳ ибратли қисматларини опера-торга мурожаат қилиш асосида сўзлаб берадиган, яхши-ёмонни, эзгулик ва ёвузликни, яшамоклик моҳиятини, ҳаётнинг оқу қорасини янада те-рэнроқ англаймиш.

Масалан, "Максуда опа" ҳикояси қаҳрамони ҳақиқат учун курашаётган оддий ўзбек аёли. У уйи остонасида пичоқ-лаб кетилган ёлғиз ўғлининг ор-номуси, шаъни, пок номига бўлган тўхматлардан ҳаловати-ни йўқотиб, нима қилишини билмай юрган қийин вазиятда унга ёрдам қилини чўзган, адо-латнинг қарор топишига кўмак-лашган, бу дунёни тарқ этган фарзанди ўрнига фарзандага айланган бир инсонга бўлаётган ноҳақликка чора излаб, "Ишонч телефони"га сим қоққан. Унинг дарду ҳасратла-ри қалбимизни ўрташ билан бирга, ҳар биримизни огоҳлик-ка, ҳушёрликка давлат этади.

"Мистер Абдуазим" ҳикояси қаҳрамонининг кечинмалари ҳам кўпчиликка таниш. Яхши-гина бизнес эгаси бўлган бу инсон телефонига ҳоржидан келган катта мерос ҳақидаги хатта ишониб, беш минг дол-ларни фирибгарлар ҳисоб ра-қамига ўтказиб юборган. Ан-данганини билиб, энди пули-ни қайтариш учун кўмак изла-япти... Ҳаддан ташқари содда-лик, омиллик, дунёдан хаба-р-сизлик, қолаверса, нафс қу-ли-га айланши, қаноатсизлик, но-шукрилик оқибати кишини кан-дай муаммоларга дучор эти-ши, элга шарманда қилиши мумкинлиги мана шу ҳикояда таъсирчан очиб берилган.

Асардаги тарихи ва тақди-ри бир-бирига ўхшамайдиган, турли касб-кор ҳамда феъл-а-вор эгаси бўлган қаҳрамон ва персонажларнинг характери-лари, руҳий кечинмалари, орзу-армонлари биз билган, деяр-

Дарвоқе, муаллифни қўлига қалам олишга ундаган туйғу ҳам, аввало, ишончдир. Бу ҳақда ўзи матбуотда бир китобхоннинг "Агар ҳикояюб кўрган-эшитганингиз бўлса, Хайридин Султонга айтиб беринг. У киши нақлинга ўзингиздан кўра қизиқарли, ҳонли ва таъсирчанроқ қилиб халққа етказди", деган фикрларни ўқиб, қалбида туғён уйғонганини таъкидлайди. Шундай экан, адибнинг кейинги йилларда кетма-кет чоп этилган "Одамлардан тинглаб ҳикоя", "Навойи — 30" каби китобларининг мантикий давомидек туюладиган мазкур асар ҳам ишонч махсули.

Демак, китобдаги ҳикоялар, бадиалар композицияси, мазмун-моҳияти, уларда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, тақдирлар, ба-дий топилмалар марказдан кундан-кунга танқислашаётган ишонч аталмиш туйғунга қадрлаш кишини саодатга элтиши, билъ-акс уни оёқости қилиши, топташ фожиаларга эшик очини қизил ип бўлиб ўтади ва бўртиб кўринади.

«Халқ сўзи».



ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ

ПРОКУРАТУРА МУЗЕЙИ:

ЎТМИШ ВА БУГУНИ ТУТАШТИРГАН КЎПРИК

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Конституциямиз қабул қилинганининг 32 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда прокуратура органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси масъул ходимлари, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг профессор-ўқитувчилари, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази ҳамда Жамоатчилик кенгаши раислари, таниқли олимлар, маданият ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзлик

Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев тадбирни кириш сўзи билан очиб, байрам билан барчани қутлади.

Таъкидланганидек, Бош қо-мисимиз инсон қадрини улуғлашга қаратилган тарихий ислохотлар-да энг устувор ва мукаммал ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқ-да. Айниқса, 2023 йилда ўтка-зилган умумхалқ референдуми асосида унинг янги тахирда қабул қилинган эл-юртнинг бу-ғуни ва эртанги тақдири учун ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Конституция байра-ми арафасида яна бир хайрли ишга қўл урилгани айтилди. Гап шундаки, Ўзбекистон прокурату-раси тарихи музейи янада кен-гайтирилиб, қатагон қилинган ти-зим ходимларининг номини аба-дийлаштиришга оид, шунингдек, улар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи ноёб экспонатлар би-лан бойитилди.

Шу муносабат билан ушбу му-зейда қатагонга учраган проку-ратура ходимларига бағишланган экспозициянинг очилиш мароси-ми бўлиб ўтди.

Бош прокурор бу ҳақда тўхта-лар экан, қатагон қилинган про-куратура тизими ходимларининг номини абадийлаштириш иш-лари тизимли йўлга қўйилгани бе-самар кетмаётганини қайд этди. Қатагон қурбонларининг оиласи ва яқин кишилари рўйхати тузи-либ, яшаган манзиллари аниқ-ланди, ҳозирда уларнинг икти-мой аҳолини ўрганиш, кўча, маҳалла ва мактабларга улар номини бериш ҳамда ёдгорлик лавҳаларини ўрнатиш ишлари олиб борилаётди. "Тарихий хо-тира бекиёс" номли китобнинг 2-жилди ҳам нашрдан чиқди.

Айтиш жоизки, ўтган вақт да-вомида музейда олиб борилган таъмирлаш ишлари сабабли бу-гун бу маскан ўзгача жозибадор-

лик касб этган. Музейнинг ҳар бир бўлими замонавий дизайн, услуб ва воситалардан фойда-ланган ҳолда ташкил қилинган эътиборга молик. Қатагонга уч-раган прокуратура ходимларига бағишланган экспозиция 20 га яқин стендлар, 30 дан ортиқ махсус муляжлар ҳамда сахна-лардан иборат.

Масалан, музейнинг бир бўли-мида 1930 — 1980 йилларда тур-ли сохта айбловлар билан қатагон машинасининг қурбони бўлган, тўх-мат ва бўҳтонлар билан ишидан маҳрум қилинган юздан ортиқ про-куратура ходимларининг тақдири архив манбалари ҳамда далиллар орқали кўрсатилган.

Янада аҳамиятлиси, музей-нинг мантикий давоми сифатида унинг ичида илк бор 10 миңдан ортиқ адабиётлар жойлаштирил-ган Бош прокуратура кутубхона-си ҳам очилди.

— Бундай ишлар, аввало, эл-юрт манфаатлари учун жонини тиккан аждодларимиз руҳига бу-ғунги авлоднинг ҳурмат ва эҳти-ромни, миннатдорлигининг ифо-дасидир, — дейди Бош проку-рор Н. Йўлдошев. — Энг муҳи-



ми, бундай манбалар тарихимиз-ни, ўзлимизни англашга, жа-мийатда шаклланиб қолган "про-куратура органлари фақат жазо-ловчи орган", деган тасаввур ва стереотипларнинг ўзгаришига хизмат қилади. Қолаверса, ёш-ларимиз онига Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, ҳалоллик, одил-лик каби туйғуларни янада чуқур сингдиришда ҳам ушбу восита-лар беназир аҳамият касб этади.

Тадбирда хайрли мақсадлар-га хизмат қилувчи ушбу мўста-ба ра маскани ҳар жиҳатдан та-комиллаштиришга ҳисса қўшган бир гуруҳ фаоллар тақдирланди. Халқимиз асрлар давомида оғир синовларда, босқинчи ва ёвуз қучларга қарши машаққат-ли курашларда буқилмас ирода ва жасорат намунасини кўрсатиб келган. Давлатимиз раҳбари таъ-бири билан айтганда, ўз озод-лиги, эркинлиги йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати хотира-миздан ҳеч қачон ўчмайди. Ўзбе-кистон прокуратураси тарихи му-зейининг янада кенгайтирилгани эса ушбу фикрларимизнинг амалдаги тасдиғидир.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»). Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Киберхавфсизлик:

ТАРМОҚДАГИ «ҚАРМОҚ»ЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ

Бугун дунёда ахборот хавфсизлиги энг долзарб масалага айланди. Чунки ҳаётимиз тобора виртуал олам билан боғланиб қолмоқда. Бу эса кибертаҳдидларнинг тобора кучайиб боришига замин яратмоқда. Ҳар бир давлат ўз фуқароларини, тадбиркорларни ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун зарур чоралар қўриши гоят муҳимдир. Юртимизда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда.

"Global Cybersecurity Index" (GCI)нинг 2020 йил маълумотларига кўра Ўзбекистон умумий киберхавфсизлик ҳолати бўйича 194 давлат орасида 77-ўринни эгаллаган. Бу унчалик юқори рейтинг бўлмаса-да, мамлакатимизда мазкур соҳага жиддий эътибор қаратилаётгани ва муаммоларни ҳал этишда яхши натижаларга эришилаётганидан далолат беради.

Мушоҳада

Хабардорликнинг етишмаслиги — катта муаммо

Бугун олдимизда турган асосий муам-молардан бири — бу киберхавфсизлик бўйича малакали мутахассислар етишмас-лиги. Бу қўллаб-мамақатлар дуч келадиган муаммо, десак, хато бўлмайди. Чунки сўнгги йилларда киберхавфсизлик бўйича мутахассисларга талаб тез суръатларда ўсиб бормоқда.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда кибер-хавфсизлик йўналишида истеъдодли кадрларни тайёрлаш юзасидан қўллаб-қув-ватдорлиги ишлаб чиқилгани таҳсинга са-зovor. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш-да маълум бир ютуқларга эришган бўлсак-да, ҳали тизим олдида турган қатор муам-молар мавжуд. Таъкидлаш жоизки, кибер-таҳдидларни камайтириш борасида назар-ий ва илмий-амалий ишларни олиб бо-риш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо эт-моқда. Яъни "кибернетика" деб аталмиш фаннинг турли соҳаларда тутган ўрни ва моҳияти билан шуғулланишга мўлжаллан-ган Ўзбекистон Фанлар академияси тарқидида Кибернетика илмий-тадқиқот муассасасини бунёд этиш зарурияти туғилмоқда.

Аҳолининг ахборот хавфсизлиги тўғри-сида хабардорлигининг етишмаслиги яна бир катта муаммолардан. Фуқароларнинг кибертаҳдидлар келтириб чиқарадиган хавф-хатарлардан хабардор бўлмаслиги ва шахсий маълумотларини онлайн ҳимоя қилиш учун етарли чоралар қўрмаётгани хавфни бартараф этишда қийинчиликлар-ни юзага келтирмоқда.

Юртимизда ушбу муаммони ҳал қилиш-да оммавий кампаниялар ва таълим да-стурлари орқали ахборот хавфсизлиги бўй-

ча хабардорликни оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Асосий ташаббуслардан бири — кибер-хавфсизлик бўйича мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлашга мўлжалланган Киберхавфсизлик мактабини ташкил этиш-дир. Ушбу мактаб бир қатор киберхавф-сизлик соҳаларида, жумладан, ахборот ва тармоқ хавфсизлиги ҳамда киберкрими-налистика бўйича тренинглар ўтказишга қаратилган.

Рақамли саводхонликни ошириш зарурияти

Эътиборлиси, юртимизда ахборот хавфсизлиги даражаси сўнгги йилларда анча яхшиланиб бораётди. Ҳукумат кибер-хавфсизлик муҳимлигини тан олди ва мам-лакатнинг бу бўйича ҳолатини яхшилаш чо-раларини ишлаб чиқмоқда.

Бу борадаги асосий ташаббуслардан бири — 2018 йилда қабул қилинган Мил-лий киберхавфсизлик стратегиясидир. Ушбу стратегия кибертаҳдидларни барта-раф этиш ва мамлакатнинг киберхукум-ларга чидамлилигини ошириш учун кенг қамровли асос яратишга қаратилган. Стра-тегия қончилик ва меъёрий-ҳуқуқий ба-зани ривожлантириш, миллий киберхавф-сизлик марказини ташкил этиш, кибер-хавфсизликдан хабардорлик ва таълим дастурларини амалга ошириш каби бир қанча муҳим йўналишларни ўз ичига олган.

Миллий киберхавфсизлик стратегияси-дан ташқари, киберхавфсизликни яхшилаш бўйича бир қанча бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, муҳим ах-борот инфратузилмаси хавфсизлигини таъ-минлашга масъул бўлган Давлат махсус алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини ташкил этиш, шахсий маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлашни тар-тибга солувчи "Шахсий маълумотлар

тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши тобора жумласидандир.

Яна бир муҳим жиҳат, Ўзбекистон ки-берхавфсизлик бўйича халқаро ҳамкорлик-ни яхшилаш устида ишламоқда. Бу бора-да бир қанча халқаро шартномалар имзо-ланган. Масалан, 2018 йилда Америка Қўшма Штатлари, 2019 йилда эса Би-рлашган Араб Амириклари билан ўзаро англашув меморандуми тузилди. Ушбу ке-лишувлар мамлакатлар ўртасида ахборот ва маълумот алмашиш каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Ахборот хавфсизлиги долзарб масала бўлиб қолар экан, бу, ўз навбатида, тар-моқлар, қурilmалар ва махфий маълумот-лар хавфсизлигини таъминлаш, тармоқ хавфсизлиги, паролларни бошқариш, дастурий таъминотни янгилаш, маълумот-ларни захираш ҳамда тиклаш, ходим-ларни ўқитиш, мобил қурilmалар хавф-сизлиги ва жисмоний хавфсизликни ўз ичига олган кўп қиррали ёндашувни талаб қилади. Бундай чораларни қўриш орқали яхшироқ шаклда, корхоналар ва давлат ташкилотларининг махфий маълумотлари-ни ҳимоя қилиш ва киберхукумларнинг ол-дини олиш мумкин.

2019 йил 14 сентябрда "Ахборот техно-логиялари ва коммуникацияларнинг жой-рий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш-га оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги Президент қарори имзоланиб, унга асосан Вазирлар Маҳкамаси, Давлат хавфсизлиги хизмати ҳамда Ахборот техно-логиялари ва коммуникацияларини ри-вожлантириш вазирлиги (Рақамли техно-логиялар вазирлиги)нинг "Техник кўма-лашиш маркази" давлат унитар корхонаси Давлат хавфсизлиги хизматига ўтказилди ва "Киберхавфсизлик маркази" давлат уни-тар корхонаси этиб қайта номланди.

Киберхавфсизликни таъминлашга комплекс ёндашув

"Киберхавфсизлик маркази" ДУК то-монидан 2021 йилда миллий сегментда 17 миллиондан ортиқ зарарли ва шубҳа-ли тармоқлар фаолиги ҳолатлари аниқ-ланган. Шунингдек, марказнинг веб-ило-валарни ҳимоя қилиш тизими ёрдамида интернет тармоғининг миллий сегменти-даги веб-сайтларга уюштирилган 1,3 мил-лиондан ортиқ киберхукумлар аниқлан-ган ва бартараф этилган. Энг кўп кибер-

хужум Ўзбекистон, Россия, Германия, Буюк Британия ва АҚШ ҳудудидан амал-га оширилган.

"Киберхавфсизлик маркази" ДУК фуқароларни фирибгарларнинг янги ту-зоқларидан огоҳлантириб келмоқда. Ма-салан, 2023 йил 30 март куни республи-ка Ички ишлар вазирлигининг Киберхав-фсизлик маркази ижтимоий тармоқларда "Tesla" компанияси номидан фойдаланиб сохта хабар тарқатилаётгани ҳақида огоҳ-лантирди.

Қайд этилишича, фирибгарлар томони-дан тарқатилаётган хабарларда Ўзбеки-стонда истиқомат қилувчи аҳоли "TeslaX" янги лойиҳаси учун 200 доллар пул тики-би, уни 4 минг долларга айлантириб олиш мумкинлиги таъкидланади.

Киберхавфсизлик маркази бундай ма-зундаги хабарлар келса, уларга асло ишонмаслик, бу хабарлар ёлғон эканлиги ҳақида огоҳлантириган.

Бундай ёлғон хабарлар "Facebook" ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали турли кўриниш ва мазмунда фирибгарлар то-монидан тарқатилиб, фуқароларнинг карта-ларидан маблағларни ўзлаштириш ҳолат-лари учрамоқда.

Авалроқ ИИБ Киберхавфсизлик мар-кази "Telegram"даги турли канал ва гуруҳ-ларда тарқалаётган беш дақиқада фоиз-сиз 50 миллион сўм кредит олиш таклифи фирибгарларнинг навбатдаги найранги эканидан огоҳлантирган. Бу каби тадбир-лар орқали Ўзбекистон ахборот хавфсиз-лигини таъминлашда комплекс ёндашув-ларни қўлламоқда.

Миллий киберхавфсизлик стратегияси ва бошқа ташаббуслар орқали ҳукумат киберхавфлардан тўғри фойдаланиш ма-данияти тарғиб қилинаётди. Бундай вази-ятда рақамли саводхонлик кибержиноят-чилар учун муҳим тўсиқ ва интернет май-донда жиноятчиликни камайтириш усули сифатида хизмат қилмоқда.

Н. МҲИНОВ, техника фанлари доктори, профессор, Н. ОҶИЛОВ, техника фанлари доктори, доцент.

Ўзбекистонда янги «Баланд пиёдалар ўтиш жойи» йўл белгиси жорий этилмоқда.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 908 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Манзиллимиз: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Манзиллимиз: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Манзиллимиз: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Манзиллимиз: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.